

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Самарқанд филиали директори,

профессор  О.Муртазаев

2021 йил

Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиалида 2020-2021 ўқув йили биринчи босқич талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги

НИЗОМ

Мазкур вақтинчалик Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 31 декабрдаги 824-сонли қарорининг 1-илоvasи “Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги” низомнинг ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 26 сентябрда 3069 рақами билан рўйхатдан ўтказилган Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги Низом асосида Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиалида (кейинги ўринларда-Филиал) кредит модуль тизими асосида таълим олаётган талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизимини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом 2020-2021 ўқув йилида филал ўқув жараёнига Кредит тўплаш ва кўчиришнинг Европа тизими (European Credit Transfer and Accumulation System — ECTS) асосида таълимнинг кредит-модуль тизимини жорий этишда талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тартибини белгилайди.

2. Филиал талабалари профессор-ўқитувчилар томонидан машғулотларда (профессор-ўқитувчилар томонидан белгиланган таълим платформасида, дарс жадвали асосида ананавий ҳолда олиб борилган ўқув машғулоти (маъруза, амалий машғулоти, семинар, лаборатория машғулоти) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 824-сонли қарорининг 1-илоvasи “Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги” Низом ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 26 сентябрда 3069 рақами билан рўйхатдан ўтказилган Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги Низом билан таништирилиши шарт.

3. Талабалар билимини баҳолашда мазкур Низомларда белгиланган баҳолаш мезонлари қўлланилади.

2-боб. Назорат турлари ва баҳолаш мезонлари

1-§. Назорат турлари

4. Филиалда талабалар билимини назорат қилиш, машғулотларни, вазифаларни бажариши, оралик ва якуний назорат турларини ўтказиш орқали амалга оширилади.

5. Машғулотлардаги фаолияти ва вазифаларни бажариши дарс жадвали асосида ананавай ҳамда филиалда қўлланиладиган масофавий таълим платформасида (<http://e-books.sbtsue.uz/> электрон манзилида жойлашган, электрон таълим олишга мулжалланган, Moodle курсларни бошқариш тизимида жойлаштирилган виртуал таълим муҳити) талабанинг иштирокига кўра амалга оширилади.

6. Оралик назорат семестр давомида фан силлабусининг тегишли бўлими тугагандан кейин талабанинг билим ва амалий кўникмаларини баҳолаш мақсадида ананавий ва масофавий тарзда (таълим платформасида) фанлар доирасида ўтказилади.

7. Оралик назорат тури ҳар бир фан бўйича фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда 2 мартагача ўтказилиши мумкин.

Оралик назорат турини ўтказиш шакли ва муддатлари фаннинг хусусияти ва фанга ажратилган соатлардан келиб чиқиб тегишли кафедра томонидан белгиланади.

8. Оралик назорат турининг топшириқлари тегишли кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилади ва мазкур кафедра мудир томонидан тасдиқланади.

9. Талабанинг амалий, семинар, лаборатория машғулотлари ва мустақил таълим топшириқларини бажариши, шунингдек унинг ушбу машғулотлардаги фаоллиги фан ўқитувчиси томонидан баҳолаб борилади.

10. Якуний назорат тури семестр якунида тегишли фан бўйича талабанинг назарий билим ва амалий кўникмаларини ўзлаштириш даражасини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

11. Якуний назорат турини ўтказиш шакли факултет деканати ҳамда ўқув-услубий бўлим билан биргаликда келишилган ҳолда белгиланади.

12. Якуний назорат тури факультет декани ва ўқув-услубий бўлим томонидан ишлаб чиқиладиган ҳамда ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари томонидан тасдиқланадиган Якуний назорат турларини ўтказиш жадвалига мувофиқ ўтказилади.

2-§. Талабалар билимини баҳолаш мезонлари ва баҳоларни конвертация қилиш

13. Талабаларнинг билими қуйидаги мезонлар асосида баҳоланади ва баҳолар конвертация қилинади:

Талабалар таълим дастури доирасида ўқитиш шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 26 сентябрда 3069 рақами билан рўйхатдан ўтказилган Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги Низомда курсатилган баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади.

Фан дастурида (силлабусда) белгиланган баҳолаш тартиби ҳамда ижобий баҳолар доирасида баҳоланган талабаларга кредитлар берилади. Талаба белгиланган таълим олиш натижаларига эриша олмаган тақдирда, кредитлар берилмайди.

Баҳолаш усуллари фан ёки модуль доирасидаги талабанинг ютуқарини акс эттирувчи ва тасдиқовчи ёзма, оғзаки, амалий иш, лойиҳа, портфолио ва назоратлар каби турларни ўз ичига қамраб олади. Баҳолаш мезони таълим олиш натижасига эришилганлигини акс эттириши шарт.

Кредитларни кўчириш олий таълим муассасасида баҳолаш тизимини бошқа баҳолаш тизимларига конвертация қилиш жадвалини бошқа олий таълим муассасасида тузилган шунга ўхшаш жадвал билан солиштириш асосида амалга оширилади.

талаба мустақил хулоса ва қарор қабул қилади, ижодий фикрлай олади, мустақил мушоҳада юритади, олган билимини амалда қўллай олади, фаннинг (мавзунинг) моҳиятини тушунади, билади, ифодалай олади, айтиб беради ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга деб топилганда — 5 (аъло) баҳо;

талаба мустақил мушоҳада юритади, олган билимини амалда қўллай олади, фаннинг (мавзунинг) моҳиятни тушунади, билади, ифодалай олади, айтиб беради ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга деб топилганда — 4 (яхши) баҳо;

талаба олган билимини амалда қўллай олади, фаннинг (мавзунинг) моҳиятни тушунади, билади, ифодалай олади, айтиб беради ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга деб топилганда — 3 (қониқарли) баҳо;

талаба фан дастурини ўзлаштирмаган, фаннинг (мавзунинг) моҳиятини тушунмайди ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга эмас деб топилганда — 2 (қониқарсиз) баҳо билан баҳоланади.

14. Назорат турларини ўтказиш бўйича тузилган топшириқларнинг мазмуни талабанинг ўзлаштиришини холис (объектив) ва аниқ баҳолаш имкониятини бериши шарт.

3-боб. Талабалар билимини баҳолаш

15. Талабалар билимини баҳолаш 5 баҳолик тизимда амалга оширилади.

16. Машғулотлардаги фаолияти ва вазифаларни бажариш амалий, семинар, лаборатория машғулотларини олиб борган профессор-ўқитувчи томонидан баҳоланади ва 1-оралик баҳолаш сифатида гуруҳ журналида расмийлаштирилади.

2-оралик назорат турини ўтказиш ва мазкур назорат тури бўйича талабанинг билимини баҳолаш тегишли фан бўйича ўқув машғулотларини олиб борган профессор-ўқитувчи томонидан амалга оширилади ва 2-оралик баҳолаш сифатида гуруҳ журналида расмийлаштирилади.

Якуний назорат турини ўтказиш ва мазкур назорат тури бўйича талабанинг билимини баҳолаш ташкил қилинган комиссия томонидан амалга оширилади.

Тегишли фан бўйича ўқув машғулотларини олиб борган профессор-ўқитувчи якуний назорат турини ўтказишда иштирок этиши таъқиқланмайди.

Якуний назорат турини ўтказишда келишув асосида бошқа олий таълим муассасаларининг тегишли фан бўйича профессор-ўқитувчилари жалб қилиниши мумкин.

17. Назорат турларини ўтказилиши таълим сифатини назорат қилиш бўлими, ўқув-услубий бўлими, ахборот технологиялар маркази билан ҳамкорликда факултет деканати томонидан доимий равишда ўрганиб борилади. Бунда назорат турларини ўтказилиш тартиби бузилганлиги аниқланган ҳолларда, ўтказилган назорат турларининг натижалари бекор қилиниши ҳамда тегишли назорат тури қайтадан ўтказилиши мумкин.

18. Талаба тегишли фан бўйича якуний назорат тури ўтказиладиган муддатга қадар оралик назорат турларини топширган бўлиши шарт.

19. Машғулотларда иштирок этмаган, вазифаларни бажармаган, оралик назорат турини топширмаган, шунингдек, бир фанга ажратилган аудитория соатининг 25 фоизини ва ундан ортиқ соатни сабабсиз қолдирган талаба ушбу фандан четлаштирилиб, якуний назоратга киритилмайди ҳамда мазкур фан бўйича тегишли кредитларни ўзлаштирмаган ҳисобланади. Якуний назорат турига киритилмаган ёки кирмаган, шунингдек, ушбу назорат тури бўйича қониқарсиз баҳо олган талаба академик қарздор ҳисобланади.

Академик қарздор талабалар таътил вақтида ёки кейинги семестрлар мобайнида тегишли фанлардан ўзлаштирилмаган кредитлар миқдорига мос равишда базавий тўлов-контракт миқдоридан келиб чиққан ҳолда тўловни

амалга оширгандан сўнг ўзлаштирилмаган фанларни ўз ҳисобидан қайта ўқиш ҳуқуқига эга бўлади.

20. Талаба узрли сабабларга кўра оралик ва (ёки) якуний назорат турида иштирок этмаган тақдирда ушбу талабага тегишли назорат турини қайта топширишга факультет деканининг фармойиши асосида рухсат берилади.

21. Бир кунда 1 тадан ортиқ фан бўйича якуний назорат тури ўтказилишига йўл қўйилмайди.

22. Талаба семестр натижалари бўйича 3 тагача фандан академик қарздорлиги бўлган ҳолларда унга оралик ва (ёки) якуний назорат турларини қайта топшириш учун 1 ой муддат берилади.

Фанлардан академик қарздорлиги 4 та ва ундан кўп бўлган талабаларга қайта топширишга рухсат берилмайди ва улар филиал директорининг буйруғи билан курсдан қолдирилади.

23. Талабага якуний назорат турини қайта топшириш учун берилган муддат давомида унга 1 марта қайта топширишга имкон берилади. Қайта топширишдан ўта олмаган талаба(лар)нинг ташаббуси билан мавжуд академик қарзларни топшириш мақсадида ёзги семестр ташкил қилиниши мумкин. Ёзги семестр таътил вақтида пулли асосда ташкил қилинади.

Ёзги семестрнинг давомийлиги академик таквим асосида бакалаврият таълим йўналишлари, магистратура мутахассисликлари ва курслар бўйича белгиланади.

Ёзги семестр куйидаги регламент асосида ташкил қилинади:

талаба ёзги семестр бошлангунига қадар филиал ўқув-методик бўлимига ўзининг ёзги семестрда ўқиши истагини билдиради;

филиалда ушбу талабаларга ёзги семестр учун дарс жадвалини тузади ва талаба тўлов пулини тўлаганидан сўнг дарсларга киритилади;

ёзги семестр амалдаги баҳолаш тизими асосида талабалар билимини шаффоф баҳолаш тамойилига кўра ташкил қилинади.

Ёзги семестрда жалб қилинган профессор-ўқитувчиларга соатбай асосида иш ҳақи тўланади.

24. Берилган муддат давомида мавжуд бўлган қарздорликни топшира олмаган талаба бўйича факультет декани билдирги билан филиал директорини хабардор қилади ва ушбу талаба филиал директори буйруғи асосида курсдан қолдирилади.

25. Таълим олувчини курсдан курсга ўтказиш унинг GPA қийматини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Филиал талабаларни курсдан курсга ўтказишда GPA кўрсаткичи 2,8 бўлиши талаб этилади. GPA ўтиш баллини туплай олмаган талаба қайта ўқиш учун тегишли курсда қолдирилади.

Семестр ва ўқув йили якуни натижалари бўйича академик қарздорлиги бор таълим олувчилар ўқишдан четлаштирилмайди. Курсдан курсга қолган талабалар фақат қарздор бўлган фанларни ўзлаштириб уларга мос равишда шартнома маблағларини тўлайди. Шартнома асосида бир курсда қайта ўқиш сони чегараланмайди. Жами таълим олиш муддати бакалаврият учун 1 курсга ўқишга қабул қилинганидан сўнг 8 йилгача деб белгиланади.

26. Таълим олувчи Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари асосида ўқишни қайта тиклаш ва кўчириш ҳуқуқига эга. Таълим олувчи томонидан четлаштирилгунга қадар ўзлаштирган кредитлар миқдори филиал томонидан тўлиқ ҳажмда ҳисобга олинади.

27. Баҳолаш натижасидан норози бўлган талабалар факультет декани томонидан ташкил этиладиган Апелляция комиссиясига апелляция бериш ҳуқуқига эга.

28. Талаба баҳолаш натижасидан норози бўлган тақдирда, баҳолаш натижаси эълон қилинган вақтдан бошлаб 24 соат давомида апелляция бериши мумкин. Талаба томонидан берилган апелляция, Апелляция комиссияси томонидан 2 кун ичида кўриб чиқилиши лозим.

29. Апелляция комиссияси таркибига талабани баҳолашда иштирок этмаган тегишли фан профессор-ўқитувчилари орасидан комиссия раиси ва камида тўрт нафар аъзо киритилади.

29. Талабанинг апелляциясини кўриб чиқишда талаба иштирок этиш ҳуқуқига эга.

30. Апелляция комиссияси талабанинг апелляциясини кўриб чиқиб, унинг натижаси бўйича тегишли қарор қабул қилади. Қарорда талабанинг тегишли фанни ўзлаштиргани ёки ўзлаштира олмагани кўрсатилади.

4-боб. Баҳолаш натижаларини қайд қилиш

31. Талабалар билимини баҳолаш масофавий таълим платформасида юритилади.

32. Якуний назорат тури бўйича талабанинг билими «3» (қоникарли) ёки «4» (яхши) ёхуд «5» (аъло) баҳо билан баҳоланганда, назорат турини қайта топширишга йўл қўйилмайди.

33. Талабаларнинг якуний назорат тури бўйича баҳолари Баҳолаш қайдномасига қайд этилганда, шу куннинг ўзида талабанинг Баҳолаш дафтарига ҳам ёзиб қўйилиши керак.

34. Якуний назорат тури бўйича талабанинг билими «2» (қоникарсиз) баҳо билан баҳоланган ёки Баҳолаш қайдномасига «0» белгиси ёзиб қўйилган ҳолларда ушбу баҳо ёки белги талабанинг Баҳолаш дафтарига ёзилмайди.

35. Журналнинг ўз вақтида, тўғри ва тўлиқ юритилиши, шунингдек ундаги баҳо ва бошқа маълумотларга асосиз ўзгартиришлар киритилмаслиги учун факультет декани ва тегишли фан бўйича профессор-ўқитувчи масъул ҳисобланади.

36. Тегишли ўқув йили якуни бўйича ишчи ўқув режадаги фанлар бўйича «3» (кониқарли) ёки «4» (яхши) ёхуд «5» (аъло) баҳо билан баҳоланган талаба филиал директорининг буйруғига асосан кейинги курсга ўтказилади.

37. Баҳолаш натижалари кафедра йиғилишлари, факультет ва олий таълим муассасаси Кенгашларида мунтазам равишда муҳокама этиб борилади ва тегишли қарорлар қабул қилинади.

5-боб. Якуний қоида

38. Таълим олишнинг тўлов қиймати Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

39. Фанлар бўйича қайта таълим олиш учун тўлов қиймати филиал томонидан бутун ўқув йилининг контракт суммасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Қайта таълим олиш учун тўлов механизми филиал томонидан бир кредит қийматини ҳисоблаш асосида белгиланади. Бир кредит қиймати ўқув йили давомидаги таълим олиш учун тўланадиган базавий тулов-контракт миқдорини режалаштирилган кредитлар миқдорига бўлиш йўли билан аниқланади.

Филиалда талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими
тўғрисидаги вақтинчалик низомига

ИЛОВА

Баҳоларни конвертация қилиш (5 баллик тизимдан фоизга)

ЖАДВАЛИ

5 баҳолик	100 баллик
5	90-100
4	70-89,9
3	60-69,9
2	59,9 ва ундан паст